O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
17 DEKABR
SESHANBA
№ 154 (27.013)
1918 yil
21 iyundan
chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

«Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида

2003 йилнинг мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан, маҳалланинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқаруви тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг муҳим органи сифатида тутган ўрни ва ролини ошириш билан боғлиқ масалаларни амалий ҳал этиш заруратини инобатга олиб:

1. «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси тузилсин.

2. «Обод маҳалла йили»га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларнинг комплекс дастурини тайёрлаш Республика комиссиясининг асосий вазифаси деб ҳисоблансин.

Мазкур дастур қуйидаги устувор йўналиш ва вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим:

— маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим тузилма сифатида тутган ўрни ва ролини аниқлаш; мазкур институтнинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқарув тизимида ўз ўрнини эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратиб берадиган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— маҳалланинг ҳуқуқий мақоми ва унинг ҳокимият тизими — туман ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ва нодавлат тузилмалари, шу жумладан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳуқуқий муносабатларини белгилаб берувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш; бу борадаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, маҳалла ва юқорида зикр этилган органларнинг ваколат ва масъулиятларини, маҳалланинг фуқаролик ҳокимияти институти сифатидаги ҳуқуқий мақомини, маҳалла қўмиталарининг штатларини ва ташкилий тузилмасини қатъий белгилаб берадиган янги қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

— маҳалланинг моддий ва молиявий асосларини, бюджетини (даромад ва харажатлари), мазкур маблағларни сарфлаш ҳамда ўз балансидаги асосий фондлардан фойдаланиш ҳуқуқи белгилаб берилишини кўзда тутган ҳолда, унинг ҳуқуқий мақомини аниқ маъно-мазмун билан тўлдириш юзасидан танқидий таҳлил ўтказиш;

— маҳалланинг хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо, бизнес, аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларни спортга жалб этиш борасидаги ҳуқуқлари ва амалий ролини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

— маҳалланинг маънавий соҳадаги, ахлоқий тарбия ва энг яхши миллий анъаналарни мустаҳкамлашдаги ўрнини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Маҳалла ва унинг тузилмалари томонидан аҳолига анъанавий урф-одатлар, тўй-маъракалар, дафн маросимлари ва бошқа тадбирларни ўтказишда ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш бўйича унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, умуман мамлакат аҳолисининг муайян тоифаларига молиявий-моддий ёрдам кўрсатиш ва қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун маблағ излаб топиш, унинг манбаларини аниқлаш Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига топширилсин:

а) кам таъминланган оилалар, қаровчиси бўлмаган кекса фуқароларга, шунингдек, ёш оилаларга амалдаги пенсия ва нафақа пулларидан ташқари қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш;

б) ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, тозалаш, ободонлаштириш, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўчалар, коммунал хизмат тармоқларини яхши ҳолатда сақлаш;

в) маҳалла гузарлари ва аҳолининг кундалик турмуш эҳтиёжларига хизмат қиладиган бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш;

г) маҳалла инфратузилмаси иншоотларини молиялаштириш ва қуришда тижорат тузилмалари, жамоат бирлашмалари ҳамда жамғармаларининг имкониятларидан фойдаланиш.

4. Комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддат ичида «Обод маҳалла йили» дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

Шу муддат ичида республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси аньанавий удумлар, тўйлар, дафн маъракалари ва бошқа миллий маросимларни замон талабларига жавоб берадиган тарзда, ихчам ҳамда тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган аниқ амалий таклифлар ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун Комиссияга тақдим этсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур дастур пировард натижада аҳолининг сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишга, унинг жойлардаги жамоа бўлиб яшаши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда, фуқаролик институтлари, фуқаролик ҳокимияти тизимини барпо этишда маҳалланинг ўзини ўзи ташкил этиш ва бошқариш даражасини юксалтиришга хизмат қилиши зарур.

5. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 16 декабрь

Энергетика комплекси — мустақилликнинг асос пойдеворигина эмас, айни вақтда экспорт ва валюта тушумининг ҳам муҳим манбаи ҳисобланади. Навоий иссиқлик электр станцияси (ИЭС) корхонаси иссиқлик ҳамда электр энергияси етказиб беришга ихтисослашган илғор жамоалардан бири. Нурчилар Навоий, Самарқанд, Қарши, Бухоро вилоятлари халқ хўжалиги ишлаб чиқариш корхоналарини узлуксиз энергия билан таъминлаб келмоқда.

Яқинда бу ерда корхона иш бошлаган дастлабки йилларидан буён бугунгача ишлаб чиқарилган электр энергияси 229932 миллион киловатт соатни, иссиқлик энергияси эса 114910 минг кило калорияни ташкил этганлиги ҳақида хушхабар таралди.



Суратларда: Насриддин Раимов (ўртада) бошлиқ чилангарлик бригадаси аъзолари. Иссиқлик электр станциясининг умумий кўринишидан бир лавҳа.

■ **Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар**

АМНИСТИЯ – ЮКСАК БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг ижроси тегишли идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши унинг аҳамиятини ошириб, мазмун-моҳиятини янада бойитади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бошқармасида бўлиб ўтган йиғилишда айни шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Йиғилишни бошқарган ички ишлар вазири ўринбосари Р.Қодиров Президентимиз имзолаган ва ҳар бир бандида юксак бағрикенглик, инсонпарварлик тамойиллари акс этган мазкур Фармон жамиятимизда улкан воқеа бўлганини қайд этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, жазолашнинг озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойиллари кучайиши ва амалда кенгроқ қўлланилишини таъминлашга эришилмоқда. Мамлакатимиз ҳаётида улкан тарихий воқеа сифатида нишонланган Бош Қонунимиз — Конституциянинг ўн йиллиги муносабати билан эълон қилинган Президент Фармони ўзининг амнистия бўйича таъсир доираси кенглиги билан бу борадаги йирик қадамлардан бири бўлди.

Фармон ижросини сифатли ва тўлиқ таъминлаш борасида айни чоғда махсус Низом ишлаб чиқилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига етказилди. Шу билан бирга, жазони ижро этиш муассасалари ходимлари, суд, прокуратура, ички ишлар идоралари ҳамда соғлиқни сақлаш, маҳаллий бошқарув органлари вакилларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга алоҳида аҳамият берилаётир.

Фармоннинг моҳиятини фуқаролар ҳамда амнистия татбиқ этилиши кутилаётганларга тушунтириш ишларини йўлга қўйишда мутасадди ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Озод қилинаётганларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишида кўмаклашиш жараёнидан ҳеч ким четда турмаслиги, жамиятимиз муҳитини соғломлаштиришда барча юртдошларимиз фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари Фармоннинг ҳар бир банди юзасидан йиғилганларга тушунтириш берди, саволларга жавоб қайтарилди.

■ **ЎзА**

БУЮК БОБУР ВОРИСЛАРИ

Республика Киночилар уйида «Буюк Бобур ворислари» ҳужжатли фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ва бошқалар истиқлол заминимиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг ҳаётини чуқур ўрганишдек чексиз имкониятлар эшигини очганини таъкидладилар. Хусусан, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Фармонига кўра, 1993 йилда бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги кенг нишонлангани ҳам бунинг ёркин исботидир. Буюк шоир ижодини ўрганишда Бобур номидаги халқаро жамғарма ҳамда халқаро экспедициянинг салмоқли ҳиссаси бор.

Мазкур экспедиция жаҳоннинг ўнлаб мамлакати бўйлаб илмий сафарлар уюштирди. Бобур ва бобурийлар қадамжолари, уларнинг илмий меросига оид янги маълумотлар тўплаб, илмий истеъмолга киритди. Мазкур маълумотлар асосида кўплаб илмий, бадиий асарлар, ҳужжатли ва видеофильмлар яратилди.

Жамғарманинг тарихий обидаларни таъмирлаш, ўтмишимизни ўрганишга оид эзгу юмушлари асосида Зокиржон Машрабовдек заҳматкаш ҳамюртларимизнинг фидойи меҳнати мужассам.

«Буюк Бобур ворислари» фильми ҳам айнан шундай хайрли мақсадлар йўлида фаолият юритаётган фидойи ҳамюртимиз, Бобур номидаги халқаро жамғарма раиси Зокиржон Машрабов ҳақида ҳикоя қилади. Асарни «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компаниясининг Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида Қамчибек Кенжа сценарийси асосида режиссёр Собир Назармуҳамедов тасвирга туширган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев сўзга чиқди.

■ **ЎзА**

УММОН ОРТИДАГИ ЖИЛО

Самарқандлик рассом асарлари америкаликларда катта қизиқиш уйғотди

Ўзбекистон Бадиий академияси махсус жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси, истеъдодли мусаввир Аслиддин Исаевнинг Вашингтонда шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Республика Бадиий академияси, Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада унинг 30 дан ортиқ рангтасвир асарлари намойиш этилди.

Рассом асарларининг асосий мавзусини ўзбек халқи ва унинг ҳаёти, ўтмиш тарихи, бугуни, урф-одатлари ва гўзал табиати ташкил этади. Шу боис катта истеъдод, юксак маҳорат билан яратилган «Сумалак», «Ширин қовунлар», «Самарқанд бозори» каби асарлари америкаликларда катта қизиқиш уйғотди.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

МАМЛАКАТИМИЗ ПАРЛАМЕНТИ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР БОСҚИЧИДА

Хабарингиз бор, 12-13 декабрь кунлари Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Сессияда Олий Мажлис депутатлари 2003 йил Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, унинг Қонунчилик палатаси, Қуролли Кучлар резервидаги хизмат, Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат, Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари, Давлат статистикаси, банкротлик, ер ости бойликлари, жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш, фуқароларнинг мурожаатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида сингари бири-биридан муҳим 15 дан зиёд масалаларни атрофлича, қизғин муҳокама қилдилар.

Айниқса, Давлатимиз раҳбари **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»** ва **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»**ги конституциявий қонунлар лойиҳалари юзасидан сўзга чиққанда, нафақат залда ўтирган Олий Мажлис депутатлари, меҳмонлар ва журналистлар, балки бутун Ўзбекистон халқи катта қизиқиш билан кузатди.

Юртбошимиз ҳар иккала қонунлар олий ҳокимият органларида халқимиз хоҳиш-иродасини янада кенгроқ таъминлаш ва ҳуқуқий демократик жамият қуришда улкан аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади. Жумладан, лойиҳалар дунёнинг ривожланган мамлакатлари (масалан, Америка, Франция)даги парламентаризм тажрибаси ва Ўзбекистон халқининг қадриятлари ҳамда менталитети ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилганлигини қайд қилди. Айни пайтда аҳолининг турли қатламлари манфаатларини амалга оширишнинг энг мақбул механизмини яратиш, мамлакатнинг профессионал олий қонунчилик органини шакллантириш учун бўлғуси парламентнинг иккала палатаси ваколатларини аниқ белгилаш зарурлигига эътибор қаратди.

Аввало, шуни айтиш керакки, Олий Мажлисимиз дастлаб бир палатали парламент сифатида ташкил топди. У ўз фаолияти давомида, шубҳасиз, қонунчилик, давлат бошқаруви, ўтиш муаммоларини ечиш соҳаларида салмоқли тажрибага эга бўлди. У қабул қилган қонунлар мажмуи ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларини демократлаштиришнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этди.

Президентимиз иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олдинги сессияларидаёқ парламентни ислоҳ қилиш, унинг тузилишини ўзгартириш масаласини илгари суриб, парламентни қуйи ва юқори палатали олий вакиллик органи сифатида қайта ташкил этиш таклифини киритган эди.

Икки палатали парламентни тузиш масаласини 2002 йил 27 январь куни ўтказилган референдумда халқимиз тўла қўллаб-қувватлади ва Олий Мажлис шу йил 4 апрелда **«Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»**ги конституциявий қонунни қабул қилди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий вакиллик органи бўлиб, эндиликда у икки палатадан — Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси (қуйи палата)дан ҳамда Олий Мажлиснинг Сенати (юқори палата)дан иборат бўлади.

Жаҳон тараққиёти амалиёти икки палатали парламентар тизимнинг маълум устунликлари мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, профессионал парламентнинг ривожланиши — сиёсий партияларнинг ўзаро рақобати ва аҳоли турли қатламларининг қонунчилик жараёнида иштирок этишида намоён бўлади. Икки палатали парламентнинг тузилиши қуйи палатани профессионал асосда шакллантиришга имкон беради.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ Жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Ийд-ал-Фитр муносабати билан тинчлик истакларини йўлламоқдаман.

Президент жаноблари, Сиз ҳар доимгидек Ҳақиқат тарафда бўлиб Ёлғонга қарши собит туришда давом этмоқдасиз. Америка олий ислом кенгаши раҳбари сифатида ўз номимдан, ходимларимиз ва ташкилотимизнинг АҚШдаги аъзолари номидан Сиз Жаноби олийларини Ийд-ал-Фитр билан қутлаб, Сиз Жаноби олийлари ва халқингизга самимий ҳурмат-эҳтиром туйғуларини йўлламоқдаман. Биз – Америкадаги мусулмон жамоатчилиги Сизнинг умуман Марказий Осиё минтақаси, хусусан Ўзбекистон учун амалга оширган улкан ишларингизни юксак баҳолаймиз. Сиз Ўзбекистон заминида камол топган ислом оламининг буюк мутафаккирлари – Исмоил ал-Бухорий ва Баҳовуддин Нақшбандийдан мерос диний билимлар борасида мамлакатингизни яна етакчи ўринга олиб чиқдингиз. Америка мусулмонлари мамлакатингиз эшикларини иймон-эътиқоднинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиш йўлида очиб берганингизни беҳад қадрлайди.

Президент жаноблари, Америка мусулмонлари Сиз Жаноби олийларининг Марказий Осиёдаги нуфузингиз, хусусан минтақада барқарорликни таъминлаш борасида «Марказий Осиё арслони» бўлиб етакчилик қилаётганингизни тушунишади. Америка мусулмонлари терроризмга қарши кураш борасидаги барча қарорларингизни қўллаб-қувватлайди. Худди Сиз каби бизлар ҳам хоҳ у диний ё ғоявий, хоҳ маданий ёки жўғрофий бўлсин террорчиликнинг барча кўринишини кескин қоралаймиз. Шу сабабдан мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилиш биз учун ҳар доимгидек шарафлидир. Қолаверса, Сиз Жаноби олийларининг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги фаолиятингизни ва бутун Марказий Осиёдаги етакчилигингизни доимо юксак баҳолаймиз.

Сиз Жаноби олийларини, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқини яна бир карра Ийд-ал-Фитр билан муборакбод этамиз.

Самимият ила,

Шайх Муҳаммад Ҳишам ҚАББОНИЙ
Америка олий ислом кенгаши раиси.

4 декабрь, 2002 йил.

СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ, БУРЧИ, МАСЪУЛИЯТИ

Газетамизнинг шу йил 14 ва 21 ноябрь сонларида навбатдаги «Сиртқи қабул соат»лари республика Давлат солиқ қўмитаси раҳбарияти билан ўтказилиши эълон қилинган эди.

Маълумки, мамлакат солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича кўпгина ўзгариш ва янгиликлар бўлмоқда. Бу жараёнларда фуқароларда, айниқса, кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланаётган ишбилармонларда турли хил саволлар пайдо бўлаётганлиги ҳам табиий. Таҳририятимизга ўттиздан зиёд савол, таклиф ва мулоҳазалар келди. Шунингдек ўнлаб қўнғироқлар бўлди. Биз улардан энг муҳимларини ажратиб, солиқ қўмитасига топширган эдик. Бугун сизларнинг саволларингизга Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Жамшед Сайфиддинов жавоб беради:

2-БЕТ

АФАНДИ



— Кўй етаклаб ўтди-ку биров,
— Менга нима, деди Афанди.
— Сизникига қараб кетдиёв,
— Сенга нима, деди Афанди.

Абдулла ОРИПОВ.
2002 йил 16 декабрь

СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ, БУРЧИ, МАСЪУЛИЯТИ

ИСЛОМ КАРИМОВ:

Солиқ тизими ҳам бозор инфраструктурасининг таркибий қисми ҳисобланади. Уни ҳали чинакамига ташкил этишга тўғри келади. Солиқ хизмати фақат солиқ тўплаш идорасигина бўлиб қолмасдан, балки тадбиркорларга уларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда ҳамда молия интизомига риоя қилинишида кўмаклашиши керак.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Солиқ юки тўғрисида аниқ тушунча ва Президентимизнинг солиқ юкини камайтириш бўйича кўрсатмалари асосида нима ишлар қилинмоқда?

Алихон РЎЗИЕВ, Самарқанд шаҳри.

Жавоб: Солиқ юки дейилганда солиқ тўловчи томонидан барча солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашга даромадининг қанча қисмини сарфлаётганини кўрсатувчи кўрсаткич тушунилади.

Айтиш зарурки, солиқ юки деган тушунча мавжуд бўлгани билан унга нисбатан қатъий равишда салбий муносабатда бўлиш керак эмас. Чунки, солиқ юки – бу барча солиқлар ва мажбурий тўловлардан ҳосил бўлиб, улардан давлатнинг молиявий ресурслари, яъни бюджет маблағлари шакллантирилади. Ўз навбатида мазкур маблағлар давлат томонидан турли тадбирларни амалга ошириш, масалан, бепул ўқиш, медицина хизматидан фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, давлат мудофаасини таъминлаш ва бошқаларга сарфланиб, солиқ тўловчи ўзи тўлаган солиқлар самарасидан бевосита бўлмасада, билвосита баҳраманд бўлади. Демак, фуқаролар томонидан солиқларнинг тўланишидан нафақат давлат, балки солиқлардан йиғилган маблағлар фуқароларни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган давлатчиликни сақлашга сарфланиши сабабли фуқаролар ҳам манфаатдордирлар.

Шу билан бирга, фуқаролар ҳар доим ҳам даромадларининг катта қисмини олиб қўйилишига рози бўлмасликлари ҳамда юқори солиқлар иқтисодий фаолликни бўғиб қўйиши сабабли солиқ юки жуда ҳам юқори бўлмаслиги зарур бўлади.

Таъкидлаш лозимки, солиқ тўловчилар учун камайтирилган солиқ ставкаларининг белгиланиши қуйидагиларда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади:

меҳнатни ва тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантиришда;

маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайишида, меҳнат унумдорлиги ошишида;

солиқ солинмайдиган даромаднинг кўпайиши натижасида истеъмолнинг ошишида;

давлат бюджетидан янада самарали фойдаланишда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда солиқ юкини мунтазам равишда пасайтириш сиёсати юритиб келинмоқда.

Мисол учун, 1995-96 йилларда юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ставкаси 38% ни ташкил қилган бўлса, 1997 йилда — 36%, 1998 йилда — 35%, 1999 йилда — 33%, 2000 йилда — 31%, 2001 йилда — 26%, 2002 йилда — 24% гача туширилди. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари чегаралари 1995 йилда 15-45% ни ташкил этган бўлса, бу йил 13-33% гача пасайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг жорий йил 18 июлда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлисдаги маърузаларида солиқ юкини янада камайтириш бўйича берган топшириқларини бажариш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сонли қарори билан 2003 йил 1 январдан 2007 йил 31 декабргача халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ ставкалари 20-25% га камайтирилди, болалар учун маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун даромад солиғи ставкаси 7% га туширилди, корхоналарнинг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш физик ҳажмларини ошириш ҳисобига олган даромадлари (фойдаси) даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлашдан озод қилинди ва ҳоказо.

Шунингдек, 2003 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда хўжалик субъектларининг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, айланма маблағларини кўпайтириш, ишбилармонлар фаоллигини ошириш учун хўжалик субъектларининг солиқларини камайтириш масаласига катта эътибор берилган.

Халқаро фаолиятни солиққа тортиш жараёни қандай амалга оширилади? Масалан, менинг ташкилотимнинг Германиядаги фаолияти солиққа қандай тортилади?

Баҳодир АҲМЕДОВ, Тошкент шаҳри, фирма бошлиғи.

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг республика ҳудудидан ташқарида фаолият юритувчи субъектлари, шунингдек хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектлари, яъни халқаро миқёсда у ёки бу тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар даромадларини солиққа тортиш хорижий давлатлар билан икки томонлама асосда тузиладиган ва фақат тўғри солиқларга нисбатан қўлланадиган «Икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида»ги битим (конвенция)лар асосида амалга оширилади.

Ушбу битимлар орқали икки давлат ўртасидаги иқтисодий, молиявий муносабатлар ва халқ хўжалигининг бошқа турли соҳаларига жалб этилган субъектлар даромадларини солиққа тортиш бўйича ўзаро келишилган ягона солиққа тортиш тартиби белгиланади.

Тегишли хорижий давлат билан бундай битимлар тузилмаган ҳолларда эса, субъектларнинг халқаро муносабатлардаги фаолиятлардан олган даромадлари ҳар бир давлатнинг ички солиқ қонунчилиги асосида солиққа тортилади.

Сизнинг ташкилотингизнинг Германияда фаолият юритиб олган даромадлари ҳам юқорида айтиб ўтилганидек, халқаро битим асосида, яъни Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Германия Федератив Республикаси Ҳукумати ўртасида 1999 йил 7 сентябрда имзоланган «Икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида»ги Битим қоидалари асосида солиққа тортилади.

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган корхоналар томонидан тўланган солиқ суммалари Ўзбекистонда солиқ тўлаш вақтида ҳисобга олинади.

Бунда ҳисобга олинадиган суммасининг миқдори Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқарилган даромад (фойда) солиғи суммасидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Бюджетга тўланадиган солиқ суммасини ҳисоб-китоб қилишда хорижда тўланган солиқ суммасига камайтириш учун асос бўлиб хорижий давлат солиқ органининг тўлов хабарномаси, маълумотномаси ёки хорижда солиқ тўлангани фактини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат ҳисобланади.

Бундан ташқари «Товарлар (ишлар, хизмат)ларни экспорт ва импорт қилишда билвосита солиққа тортиш тартиби тўғрисида»ги махсус Битим мавжуд бўлиб, бундай битимлар орқали давлатлар ўртасидаги товарлар (ишлар, хизмат)ларнинг экспорти ва импорти борасидаги операцияларда эгри солиқларни қўллаш тартиби белгиланади.

Мен қўшни давлатлардан озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари олиб келаман, қандай солиқларни тўлашим керак?

Комил ИСМАТОВ, Наманган.

Жавоб: Агар, Сиз якка тартибдаги тадбиркор шахс сифатида чет давлатлардан озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарларни сотиш мақсадида олиб кираётган бўлсангиз қатъий белгиланган солиқни ўзингиз яшайдиган жойдаги маҳаллий ҳокимият органи томонидан қабул қилинган қарорда кўрсатилган қатъий ставкаларда тўлайсиз.

Бунда, якка тартибдаги тадбиркор сифатида турар жойингиздаги ҳокимиятдан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан рўйхатдан ўтиб, қайд гувоҳномасини олган бўлишингиз, солиқ инспекциясида солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтишингиз лозим.

Ўз навбатида четдан олиб келинаётган товарларга божхона тўловлари ва йиғимларини ўз вақтида ва тўлиқ тўлашингиз, олиб келинаётган товарларга мувофиқлик сертификатини тақдим этишингиз, нақд савдо тушумини ҳар куни банкларнинг кассаларига топширишингиз лозим.

Маълумки, бугунги кунда реклама солиғи 15 фоиз миқдорида белгиланган. Ўз маҳсулотини реклама қиладиган ишлаб чиқариш корхонаси қўшилган қиймат солиғи тўлашдан ташқари реклама солиғи ҳам тўламоқда. Ишлаб чиқарувчи учун реклама солиғи бироз пасайтирилса, ўз-ўзидан товар таннархи ҳам пасайишига олиб келадику?

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, Тошкент шаҳри, журналист.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 390-сон қарори билан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар учун муайян солиқ имтиёзлари белгиланган.

Мазкур қарорга мувофиқ, 2003 йил 1 январдан 2007 йил 31 декабргача корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган истеъмол товарлари рекламасига харажатлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқишда солиққа тортиладиган базадан тўлиқ ҳажмда чиқариб ташланади.

Тўғри солиқнинг тўғридан-тўғри олинишини ҳамма билади. Лекин эгри солиқчи? У истеъмолчилар орқали қайси жараёнлардан сўнг, аниқроғи қайси жараёнлардан ўтгач ундирилади?

Азима ШОДИЕВА, Бухоро шаҳри.

Жавоб: Давлат бюджетини шакллантириш ва баланслаштириш муаммолари бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш учун жуда муҳимдир. Ушбу муаммоларнинг асосийларидан бири бўлиб бозор иқтисодиётида солиқлар ёрдамида бюджетнинг даромад қисмини шакллантириш ҳисобланади. Кўпчилик мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда солиқ тизимида эгри солиқларга алоҳида ўрин берилган. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, эгри солиқлар таркибига қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи ва жисмоний шахслардан товарлар олиб кирганлик учун йиғимлар киради.

Бу солиқлар товар баҳосининг таркибий қисми (унга устама тарзида ёки ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг таркибий қисми сифатида) ҳисобланади ва бинобарин ишлаб чиқаришга ва мамлакат ички истеъмолига таъсир кўрсатади ҳамда халқаро савдога таъсир қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Масалан, қўшилган қиймат солиғида корхона томонидан солиқ ишлаб чиқариш ёки муомала жараёнида қўшилган қийматдан тўланади.

Республикада 1998 йилдан бошлаб товар операциялари, даромад ва харажатларни ҳисобини юритишда «ҳисоблаш» услуби қўлланилади, яъни солиқлар товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинган пайтда ҳисобланади ва ундирилади.

Мулкдорларнинг 2003 йилга қадар тикланган серҳашам уй-жойлари ва сотиб олинган автоуловлари декларация қилинадими?

Абдуҳаким АБДУМАЛИКОВ, Тошкент, пенсионер.

Жавоб: Аввалambор шуни таъкидлаш зарурки, бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги тамойиллари амал қилаётган барча ривожланган мамлакатларда жисмоний шахсларнинг даромадларини декларациялаш тизими кенг қўлланилади, мазкур тизим фуқароларнинг даромадларини ошкоралигини, уларнинг қонунийлигини тасдиқлашни таъминлайди. Бу борада республикамизда ҳам аҳоли даромадларини декларациялаш тизимини жорий этиш бўйича маълум ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2002 йил 5 сентябрдаги ПФ-3127-сонли «Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Даромадларни декларациялашнинг қонуний асосларини яратиш мақсадида «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов қонун лойиҳасини даромадлар устидан қўшимча назорат ўрнатувчи ҳужжат сифатида баҳоламаслик зарурлигини, мазкур масаланинг ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, лойиҳани кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун қайта ишлаш давомида аҳолининг барча қатламлари фикрини ҳамда халқимизнинг менталитетини ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлади.

Юқорида келтирилган Фармонга мувофиқ жисмоний шахсларнинг жами даромадларини декларациялаш 2003 йил 1 январдан бошлаб олинган даромадлар бўйича амалга оширилади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, декларация қилиш тартиби мол-мулкка эмас, балки даромадларга тегишли.

Йилнинг ҳар чорагида турли банклар орқали фуқароларга алмаштириб берилаётган 1,5 минг АҚШ доллари даражасидан маблағлар ҳам солиққа тортиладими?

Мирвосил МИРАБЗАЛОВ, Тошкент шаҳри, оддий ишчи.

Жавоб: Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, фуқаролар томонидан ўз маблағларини банклар орқали эркин муомаладаги валютага алмаштириш жараёнида солиқ ундирилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатида ҳозирги кунда билвосита (эгри) солиқлар салмоғи бюджет даромадлари таркибида ошиб бормоқда. Бу тенденция энди тахминан нечанчи йилларгача давом этиши мумкин? Бу солиқларнинг ҳақиқий тўловчиси – истеъмолчилар эканлигини ва республикамиз аҳолисининг муайян қисми кам таъминланганлигини инобатга олсак, у — Президентимиз кўрсатиб ўтган кучли ижтимоий сиёсат тамойилига қай даражада мос тушади деб ўйлайсиз?

ТАҲРИРИЯТДАН.

Жавоб: Эгри солиқ салмоғи ошиши корхоналарга тўғри солиқлар бўйича солиқ юкини енгиллашишига олиб келади. Бу эса корхона ва ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароит яратилишига олиб келмоқда. Натижада корхоналар томонидан маҳсулотнинг сифатини ошишига, нархини эса пасайишига таъсир этади, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайишига олиб келади ва Ҳукуматимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган мақсадларни амалга оширишда ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Ҳозирги кунда эгри солиқлар салмоғининг бюджет даромадлари таркибида ошиб боришига эгри солиқларга тортиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқарилишини ошиб бориши сабаб бўлмоқда. Ушбу тенденцияни ҳисобга олган ҳолда республикамизда эгри солиқларнинг ставкаларини йилдан-йилга пасайтириб борилмоқда. Масалан, қўшилган қиймат солиғи 1992 йилда 30% ставка даражасидан 1998 йилгача 20% ставка даражасига туширилди. Ҳозирда 4 йилдан буён 20% ставка даражаси сақланиб келмоқда. Акциз солиқлари бўйича ҳам ставкаларнинг пасайтириш тенденцияси давом этмоқда. Жумладан, 2002 йилдан бошлаб, атир ва хўжалик совунлари бўйича акциз солиғи ставкаси даражалари 33-39% ставкадан 20% ставка даражасига туширилди. Бензин ва дизель ёқилғиси бўйича акциз солиғи 52% дан 40% даражага туширилди. Мебель маҳсулотлари 10% ставка даражасидан 5% ставка даражасига туширилди. Шампан виноси 55% ставкадан 30% ставка даражасига туширилди. Юмшоқ ўрамли фильтрли сигареталар 52% ставкадан 45% ставка даражасига туширилди. қаттиқ ўрамли фильтрли сигареталар 57% ставкадан 18% ставка даражасига туширилди.

Республикамиз Ҳукуматининг жуда кўп қарорларида кичик корхоналар ва микрофирмаларга ихчамлаштирилган солиқлар жорий этилиб, улар умумдавлат ва маҳаллий солиқлардан озод этилади деб кўрсатилган. Агар шундай бўлса, бу юридик шахслар нима учун сотиб олган товарлар, хизматлар, ишлар (импорт товарлар ҳам) бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлайдилар ёки нима учун бу солиқдан уларга имтиёз берилади? Тўғри солиқлар турганда билвосита (эгри) солиқлар имтиёзи нима учун кераклигини тушунтириб берсангиз.

ТАҲРИРИЯТДАН.

Жавоб: Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, айрим хўжалик юритувчи субъектлар учун қўшилган қиймат солиғи ва бошқа эгри солиқлар бўйича муайян имтиёзлар белгиланган. Ушбу имтиёзлар юридик шахслар томонидан пировард истеъмолчиларга етказиб бериладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархини камайтиришга олиб келади.

Давлат бюджетининг харажатларини камсонли (масалан, юридик шахсларга 2 та ва жисмоний шахсларга 2 та) солиқлар орқали молиялаштириш имкони йўқми? Чунки, баъзи солиқ тўловчилар солиқ юкининг оғирлигига чидаса ҳам, уларнинг сони кўплигига чидай олмаяптилар, аниқроғи, солиқлар сонининг кўплиги уларга қийинчиликлар туғдирмоқда. Бундан ташқари, солиқлар сонининг кўплиги қўшимча солиқ идоралари хизматчиларини ҳам оширмоқда ва солиқ йиғиш қимматга тушмоқда. Бу — солиқлар кам харажат билан йиғиб олиниши лозим деган тамойилга зид эмасми? Шу ва шунга ўхшаш саволлар академияларда, университетлар ва институтларда ўқилаётган маърузалар чоғида тадбиркорлар билан учрашувларда бизга савол тарзида қайта-қайта берилмоқда. Сиз, Жамшед Бадриддинович, қай тарзда жавоб берган бўлардингиз?

Тошкент молия институтининг бир гуруҳ ўқитувчилари.

Жавоб: Ўзбекистон Республикасида иқтисодий жараёнларни бошқариш бозор иқтисодиёти шароитида кўпдан буён амал қилаётган хорижий давлатларнинг солиқ тизими тажрибасига таянган ҳолда жорий этилган солиқлар орқали амалга оширилади. Жорий қилинган солиқларнинг мавжудлиги давлат солиқлар орқали ишлаб чиқариш шароитларини, товарлар ва хизматларнинг сотилишини изга солиб бориши, иқтисодий фаолият учун муайян «солиқ иқлими»ни яратиш заруриятидан келиб чиқади. Давлат солиқларнинг тартибга солувчи функцияси орқали халқ хўжалигининг ривожланишини рағбатлантиради.

Муайян иқтисодий жараёнларни тартибга солиш, уларга таъсир ўтказиш аниқ солиқлар орқали амалга оширилади. Жумладан, даромад (фойда) солиғи орқали хўжалик юритувчи субъектлар даромадларининг бир қисми умумдавлат эҳтиёжларини қондириш учун ундирилса, мол-мулк солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг ресурслардан самарали фойдаланишига таъсир қилинади, экология солиғи орқали маҳсулот ишлаб чиқаришда таннархни ортиб кетиши олди олинади. Акциз солиғи орқали эса айрим товарларнинг истеъмоли чекланади.

Шу билан бирга умумий белгиланган солиқлар билан бир қаторда айрим солиқ тўловчилар учун солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни енгиллаштириш мақсадида соддалаштирилган солиққа тортиш тизими белгиланган.

Нима учун солиқ ходимлари уй-жойга тўланадиган солиқларни уйма-уй юриб оладилар? Аҳоли ушбу солиқларни кассага тўласа бўлмайдими? Чунки, «солиқ ходимиман» дегувчи фирибгарлар ҳам учраб туради-ку? Улар ташлаб кетаётган (солиқ) квитанцияларида саналар ёзилмаяпти. Айрим кишилар солиқлар вақтида тўланмаса жарима солинишини билишмайди. Ҳозир амалдаги 1 июнгача бўлган муддатдан ҳам кўпчилик хабарсиз. Бундан 2 ойча илгари «Ўзбекистон овози» газетаси саҳифасида «аҳолига солиқ ҳақида тушунча варақалари тарқатилса...» деган таклиф чоп этилганди. Шу нуқтаи назардан аҳоли яшайдиган жойларда солиққа оид плакатлар, информациялар ҳам илиб қўйилса, деган истак бор. Қолаверса, маҳалла қўмиталарига солиқ тўламаётганлар рўйхати берилса яхши самара келтириши мумкин.

Сайёра БЕКЖОНОВА, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри.

Жавоб: Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, жисмоний шахслардан мол-мулк ва ер солиғини ундириш учун тўлов хабарномалари солиқ тўловчиларга солиқ органлари томонидан ҳар йили жорий йилнинг 1 майидан кечиктирмай топширилади. Мазкур солиқлар солиқ тўловчиларнинг ўзлари томонидан банк муассасалари орқали қонунчиликда белгиланган муддатларда тўланиши лозим.

Шу билан бирга, банк инфраструктураси ривожланмаган айрим олис ва тоғли жойларда солиқ тўловчиларга солиқларни ўз вақтида тўланишига кўмаклашиш мақсадида солиқ органлари томонидан тегишли солиқ тўловлари учун маблағлар бевосита аҳолидан белгиланган тартибда йиғиб олинади.

Бугунги кунда давлат солиқ хизмати таркибида ишлаб келаётган участка солиқ инспекторлари ўзларига бириктирилган участка ҳудудида ўз хизмат хоналарига (участка пункти) эга бўлиб ушбу хизмат хоналари солиққа оид плакатлар ва бошқа зарурий услубий қўлланмалар билан жиҳозланган. Участка солиқ инспектори солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш жараёнида ҳамда ҳисобланган солиқларни тижорат банклари кассалари орқали бюджетга тўланишини назорат қилиш мақсадида ўз участкаси ҳудудидаги маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли пунктларида уйма-уй юриб солиқ тўловчилар билан учрашади, уларга солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари юзасидан ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб боради.

Солиқ қонунчилиги юзасидан тарғибот-маърифат ишлари, шунингдек Давлат солиқ қўмитаси Республика ахборот-маслаҳат маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари орқали амалга оширилмоқда. Жумладан, солиқ қонунчилиги ва унга киритилган ўзгартиришлар солиқ тўловчиларга етказиш ҳамда уларнинг солиқ қонунчилиги бўйича билимлари савиясини ошириш мақсадида семинар йиғилишлар мунтазам ўтказилмоқда.

■ **Саҳифани Номоз САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

МУЛОҲАЗА

ТЎЙЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Тўй ҳам ҳар бир халқнинг ўзига ярашиқ хислати, психологиясини акс эттиради. Миллатнинг менталитети ҳам бу борада бир чеккада қолиб кетмайди. Тўй даврасига шундай бир қараб, бу қайси халқнинг тўйи эканлигини билиб оласиз.

Ўзбекларда ҳам тўй ўзгача бўлади. Ҳатто ҳар бир вилоятда ўзига хос расм-русумлари бор. Лекин кейинги замонларда кўпчилик замонавий тўйларимизда кишини ўйга толдирадиган одатлар пайдо бўлаяпти, аниқроғи кўпайиб бормоқда. Айрим тўйларда дабдабабозлиқ, исрофгарчилик авж олмоқда. Лекин ибратли тўйларимиз ҳам оз эмас. Мен ўзим яқинда икки тўйнинг гувоҳи бўлдим.

ПОЛВОН

Ҳошим полвон менинг дўстим. Қўшни қишлоқдан. Ўн йил бирга ўқиганмиз. Сурхон воҳасида полвоннинг нафаси анча баланд. Таниқли.

У ўғлига тўй қиладиган бўлди. Октябрнинг ўрталари... Чақирди. Бир ҳафта олдин етиб бордим.

Ҳошим камбағал оилада ўсди. Отаси отам тенги. Раҳматли бир сўзли, ҳалол одам эди. Ҳошим болаликдан камсуқум, лекин ориятли йигит бўлиб ўсди. Елкасига олса тоғнинг тутунини чиқарадиган, қадамидан ерни гурсиллатадиган полвон бўлди. Айниқса, ҳарбийдан қайтгач, зўр-зўр полвонларни елкасидан учириб, ирғитиб отарди.

Нима деймиз, бири икки бўлди — замона зайли, бизнес билан шуғулланди. Тадбиркор танг қолмади — эл ичида обрўсига обрў қўшилди. Бир йигитга лозим бўлган ақл, оила, уй-жой, машина... Чўнтаги пул кўрди. Лекин, одамгарчилиги (қийинчиликни кўрган-да), полвон билан иккимиз қишлоқнинг кекса кишиси, отамизнинг ошнаси Тўра бобо-лоқнинг энг олди бойларидансан. Кўз тегмасин... Элдан узиб, ўзни кўрсатарга ўч эмаслигингни биламан... Отанг ҳам камтар одам эди, раҳматли... Шу элнинг райига қараб... дегандай, — чол нимадир демоқчи эди...

— Гапиринг ота.

— Полвоннинг ошноси кўп бўлади. Келсин, майли... Тўйда ният қилгансан.. Лекин, болам, қўй-молинг етарли... Кўп исроф қилмасангда... Тўй кўпчилик билан. Оқсоқоллар билан кенгаш. Агар малол олмасанг, бир гапим бор, савоби тегади. Шу айтган — боғлаганинг бўлса маҳаллада боғча бор, етим-есирлар бор, шуларга илиниб тур...

Ҳошим тушунди. Юрагим жимиллаб кетди.

Тўйдан бир кун олдин Ҳошим полвон маҳалла боғчасига семиз бир дагар (қўй)ни етаклаб бориб сўйди. Курашга келган полвонлардан, дўсти ёрларидан тушган тўёнани шундайлигича ни йўқлаб бордик.

— Отам йўқ, у киши отамнинг дўсти. Маслаҳат солайлик. Олдидан ўтайлик. Чол бетоб бўлиб ётибди, — деди полвон.

Бордик. Тўра бобо анча тузалган, ҳовлига ўзи чиқиб-кириб турган экан. Бизни кўриб севинди. Тўйга маслаҳатбоши бўлишини билиб, ўн чандон қувонди. Ҳошимнинг ва менинг отам билан кечган йигитлик дамларини эслади. Ҳазилкашлиги тутди: «Тўйингда мана ман деган полвонинг билан курашаман... Ким мени бетоб деди?..» — деди хуш кайфиятда.

— Ота, тўйда ўзингиз бош бўласиз, энди, — деди Ҳошим чолдан изн сўраб қўзғолар эканмиз...

— Қуллуқ болаларим, бораман... Ҳозирдан сени тўйинг ҳақида маҳалла-куй гап-сўзини момонг етказиб турибди. Хўш, ўғлим бундай қилсанг: худога шукур, қишиккита мактаб кутубхонасига сарфлади, марказдан китоб олиб келтирди — бир қисмини тумандаги интернатга улашди.

Тўйми? Тўй оддий ўтди. Фақат номдор полвонларнинг кураши авжига чиқди. Эралию Тоштемир, туркману тожикнинг полвонлари бармоғидан ўт сачраб бел боғлашди...

Томошага туманнинг катталари ҳам келди. Ичкиликсиз, дабдабасиз бўлса-да бу тўйда алланечук илиқ бир тафт, самимият бор эди.

ЖИЯН

Жияним — опамнинг тўнғичи. Ўғлига тўй қиляпти...

Ўн беш кун олдин телефон жиринглади.

— Салом, тоға. Юрибсизми? Ёзиб-чизиб. Бу телевизордаям кўриб турибман. Қойил. Шайирлик яхши-да. Мана, шу биз ҳам юрибмиз. Тўйдиям бошладик. Хабар ҳам олай, демайсиз...

— Ҳа, энди иш, жиян. Худо хоҳласа тўйга борамиз...

— Энди илтимос бор, Тўйга Маҳмудни оп келсангиз... Ёнига яна бирорта дурустроғини кўшинг...

— Қайси Маҳмудни?..

— Маҳмуд Номозовни-да, кейин Сайёра Қозиевани ҳам. Биламан, энди Юлдузни «подвопрос» дейсиз.

— Нима, Маҳмуд билан Сайёра албатта, бориши керакми?..

— Ҳа-да... Қишлоққа айтвордим... Гап тарқалди.

— Нега айтасан?.. Келишмаган бўлсанг, Узоқ йўл, харажати бор...

— Тўй-тўйдай бўлсин-да, тоға... ният қилувдим-да...

— Тўй қилаяпсан. Ўзинга яраша чиқимдор бўлиб турибсан, аҳволинг менга маълум, нима қиласан, Тошкентдаги санъаткорларни безовта қилиб?

— ...Тоға, сиз гаплашаверинг, керак бўлса хўккизни сотармиз.

— Менга қара, кўрпангга қараб оёқ узатсанг-чи...

— Менга қара, бир маслаҳат: Сайёра билан Маҳмуднинг қўшиғи керак бўлса, давранинг ўртасига телевизор ўрнат. Иккинининг видеокасетасини қўйиб қўй, — дедим асабим чатнаб...

— Тоға, бўпти, ўзим ҳал қиламан. Тошкентдан улардан зўрроғини ҳам топиб келаман. Менинг ҳам қишлоқда ўзимга яраша обрўйим бор...

Тошкент қаердаю Сурхоннинг бир четидаги қишлоқ қаерда? Менинг жияним айтган санъаткорларни олиб боришга кетадиган харажатга қишлоқда яна битта тўй қилса бўлади...

Бир нарса кишини ўйлантиради. Тўйда ўзимизни кўрсатиб қўйиш кайфияти, ҳолимизга қарамай чираниш, фалончи-фалончи санъаткорлар изидан қувиш... кимга керак? Ҳар бир оиланинг моддий аҳволи маҳаллага аён. Шу боис, тўй-ҳашамларни қандай ўтказиш қишлоқ, маҳалла оқсоқоллари билан келишилса бўлмайдими. Манманлик қилиб топганини сочгандан нима фойда?

Тўй — моддий моҳият эмас, балки маънавий аҳамиятга молик, миллий анъаналаримиз сингиган қутлуғ тушунча эмасми?..

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

ТАҚРИЗ

«КОНСТИТУЦИЯ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ»

Асосий Қонунимизнинг қабул қилинганлигининг 10 йиллиги арафасида ёш ҳуқуқшунос олим, юридик фанлари доктори Ҳожимурод ОДИЛҚОРИЕВнинг ана шундай номли китоби нашрдан чиқди

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихи ҳақида тўхталиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конституциявий комиссия раиси И.Каримов ва комиссия аъзоларининг Конституцияни ишлаб чиқишдаги фаол иштироки ҳақида аниқ мисоллар асосида ҳикоя қилинади. Бу эса, Конституциянинг яратилиш тарихи тўғрисида китобхонларга кенг маълумот беради.

Китобда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моҳияти, принциплари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида алоҳида сўз юритилиб, Бош Қомуснинг устунлик принципи илмий асослаб берилган. Шунингдек, ҳокимият тақсимланишининг конституциявий механизми ва моҳияти ҳам батафсил ёритилган, миллий қадриятлар ва анъаналар инобатга олинганлигига алоҳида урғу берилган.

Асарнинг алоҳида боби жамиятимизнинг сиёсий тизимига бағишланган. Унда сиёсий тизимнинг конституциявий асослари, уни демократик ислоҳ қилиш, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳамкорлиги масалалари батафсил ёритилган.

Айниқса, мазкур асарнинг «Конституция ва парламентаризм: ислоҳот ва истиқбол» деб номланган бандида парламент моҳияти, парламент бошқаруви, икки палатали парламент тизими ва Ўзбекистонда парламент ислоҳотларига оид масалалар бўйича сўз юритилгани алоҳида эътиборга моликдир. Бу банд билан танишган китобхон жаҳон парламентаризми ва Ўзбекистонда икки палатали парламент ташкил этилишининг туб моҳияти ва аҳамияти бўйича маълум тушунчага эга бўладилар.

Китобнинг «Конституция — фуқаролик жамиятини шакллантириш пойдевори» деб аталган бобида муаллиф фуқаролик жамияти тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари, таркибий тузилмалари ҳақида сўз юритади ва Конституциямиз фуқаролик жамиятининг инфратузилмасини қарор топтиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилишини илмий асослаб беради. Муаллиф ўз асарида Конституциянинг миллий қонунчилик тизимининг ўзагини ташкил этишини ва уни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга молик эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Маълумки, мамлакатимизда маънавият, маърифат, миллий мафкура ва ҳуқуқий маданият масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки Президентимиз таъкидлаганидек: «...фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат».

Конституциямизнинг мазмуни ва моҳияти маънавият ва маърифат масалалари, миллий истиқлол мафкураси ғоялари билан ҳамоҳанглиги ушбу асарда аниқ мисоллар асосида кўрсатилган.

Шунингдек, мазкур китобда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муаммолари, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва унинг ижросини таъминлашга оид кўпгина мулоҳазалар ҳам юритилган. Ушбу китоб Конституциямизни чуқур ўрганишга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшади, деб ўйлаймиз.

■ **Абдуғофур САТТАРОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Инсон ҳуқуқлари ва амалиёти кафедраси бошлиғи, юридик фанлари номзоди.**

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

МАМЛАКАТИМИЗ ПАРЛАМЕНТИ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР БОСҚИЧИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Депутатларнинг касбий лаёқати ҳамда маҳорати улар тайёрлаётган қонун лойиҳаларининг сифатига ижобий таъсир этиши, шубҳасиз. Юқори палатага вилоят, пойтахт, Қорақалпоғистон Республикасидан номзодлар сайланиши ҳудудий манфаатларни, уларнинг хусусиятларини тўлароқ ифодалайди. Фуқаролар билан яқиндан мулоқотда бўлиш, кам таъминланган аҳоли қатламларининг ҳаётий эҳтиёжларини аниқлаш имконини беради. Бинобарин, халқ эҳтиёжларини яқиндан биладиган парламент ўзининг қонун чиқариш ва бошқариш фаолиятида умумдавлат ҳамда ҳудудий манфаатларнинг турли жиҳатларини чуқурроқ акс эттиради.

Тўғри, икки палатали парламент одатда мураккаб тузилишга эга бўлган федератив давлатларда шакллантирилади. Жаҳоннинг айрим сиёсатдонлари орасида бундай парламент — унитар, яъни марказлашган давлатга мос эмас, деган нуқтаи назар ҳам йўқ эмас. Бироқ икки палатали парламентларнинг сони эндиликда унитар давлатларда ҳам ортиб бормоқда. Буларга Франция, Ирландия, Испания, Италия, Япония каби давлатларни мисол келтириш кифоя.

Хуллас, янаги сайловдан бошлаб, вужудга келадиган икки палатали парламент янги қабул қилинадиган қонунларни янада юқори сифат даражасига кўтаришга хизмат қилади. Парламентлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик эса, шубҳасиз, қонун ижодкорлигини демократлаштириш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтиради.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз Парламенти чуқур демократик ўзгаришлар сари қадам ташламоқда.

■ **Замон АЛИ**

ТАКЛИФ

УЧ МАҲАЛЛА ИЛТИМОСИ

Мирзо Улуғбек маҳалласи пойтахтимизнинг шундоқ биқинида — мўъжазгина Салар шаҳарчаси (Қибрай тумани)нинг озода, кўркам ва сераҳоли манзилгоҳларидан. Фуқароларнинг уй-жойлари, турмуш тарзлари, тўю томошаси — ҳаммаси жойида, бекаму кўст.

— Маҳалламизда 502 та оила бўлиб, уларда 2200 нафар фуқаро истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролари йиғини раиси Раҳмонали Ашуров. — Мавжуд мактаб, магазин, болалар боғчаси, новвойхона, кексалар чойхонаси, сартарошхона, этикдўзлик устахонаси сингари аҳоли хизмати учун кўплаб зарур шахобчалар мунтазам ишлаб турибди.

Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш йўлида жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида уларга 1 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Икки ёшгача гўдаги тарбияси билан банд бўлиб уйда ўтирган оналар учун йўналтирилган маблағ ҳажми эса 1 миллион 871 минг сўмдан ошиб кетди. Молиявий мададга муҳтож айрим фуқароларга ҳам 400 минг сўмга яқин моддий ёрдам берилди.

Маҳалламиз аҳил, тинч ва осойишта. Бунда милиция участка нозирлари ва кўнгилли маҳалла посбонларининг ҳам хизмати чексиз. Қолаверса, туман ҳокимиятининг доимо диққат-эътиборидамиз. Ободончилик, кўкаламзорлаштириш тадбирлари намунали йўлга қўйилган...

Раис маҳалладаги ижобий ишлар ҳақида мароқ билан гапирди-ю, фақат бир жойга келганда: «Агар шу муаммо ҳам ҳал бўлганда эди, зўр бўларди-я... Лекин ҳозирча ечими топилмаяпти-да...» — деди армон билан.

Биз ўша «армон» тафсилотлари баён этилиб, турли идоралар билан бўлган кўпдан-кўп ёзишмаларга кўз ташладик. Уларнинг ҳаммасида маҳаллани йўловчи транспорт қатнови билан таъминлаш масаласи анча йиллардан буён «тортишув» бўлиб келаётганлиги кўриниб турибди. Маҳалла аҳли пойтахтдан шаҳар атрофи манзилгоҳларига қатнаётган 115,105 ёки 19-автобус йўналишларини ўзлари истиқомат қилаётган манзилгача, лоақал шу манзилга яқин «Яланғоч» қишлоғигача (бор-йўғи 2 бекат) чўзиб беришни илтимос қилиб, қаерларга ҳам мурожаат қилмади, дейсиз.

Қариялар, мактаб ўқувчилари ва шаҳардаги иш жойларига барвақт бориб, кечроқ қайтадиган фуқаролар имзо чеккан ўнлаб хатларнинг барчасига қайтарилган жавоблар мазмуни битта: «Иложи йўқ... Керакли ҳаракат воситалари етишмайди... қўшимча жадвал тузилиши керак. Ҳаракат тартиблари зиҳираси бўш...» ва ҳоказо-ҳоказо...

Жавобнинг бирида бу масалага «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, бошқасида эса «Тошвилоятйўловчитранс» концернига масъуллиги айтилган. Худди «бор отангга, бор онангга» қабилида жавоблар олинган.

Маҳалла оқсоқолининг бироз эҳтиётқорлик билан хижолат чекиброқ айтолмаган армони аслида шу.

Энди оддий савол туғилади: наҳотки, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси билан «Тошвилоятйўловчитранс» концерни икковлашиб аҳоли томонидан атиги икки бекатгина чўзилиши талаб қилинаётган автобус қатнови муаммосини ҳал қилолмасалар? Нафақат Мирзо Улуғбек маҳалласи аҳли, балки тумандаги шу йўналиш бўйлаб жойлашган «Гулистон», Н.Отамуҳаммедов маҳаллалари фуқаролари ҳам ушбу муаммо ижобий ҳал бўлишини кутишмоқда.

■ **Замира СМАТУЛЛАЕВА**

XORIJDA

ЛУКАШЕНКО УЧУН НОРВЕГИЯ ЧЕГАРАЛАРИ ЁПИЛДИ

Белорусия Президенти Александр Лукашенко учун Норвегия чегаралари ёпилганлигини мамлакат маъмурияти расмий эълон қилди. Норвегия раҳбарияти буни «Белорусияда фуқароларнинг демократик эркинлиги ва ҳуқуқи топталаётганлиги сабабли» шундай қарорга келинганлиги билан изоҳламоқда.

Шундай қилиб Норвегия Александр Лукашенкони мамлакатга киритмаслик ҳақида қарор чиқарган ўн олтинчи давлатдир. Дарҳақиқат, Лукашенконинг номи АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатларида (Португалиядан ташқари) «қора рўйхат»дан жой олган, дея хабар беради «Эхо Москвы».

МЕЪЁР БЕЛГИЛАНДИ

Двигателининг ҳажми 1-1,5 минг сантиметр куб бўлган Россия автомобилларини Украинага импорт қилиш масаласида тўрт йиллик махсус меъёр белгиланиши ҳақида Украина ҳукумати қарор қабул қилди. Бу ҳақда мамлакатнинг халқаро савдо бўйича идоралараро комиссияси хабар берди.

Эндиликда Россиядан автомобиль олиб келиш Украина иқтисодиёти ва Европа интеграцияси масалалари бўйича вазирликнинг махсус лицензияси орқали амалга оширилади. Лицензия 90 кунлик муддат билан берилади. Лицензияси йўқ юридик ва жисмоний шахслар мамлакатга Россия автомобилини олиб келиши тақиқланади.

Мазкур хабар «Новости» ахборот агентлигидан олинди.

САМОЛЁТ ЎЗ КЎРИНИШИНИ ЎЗГАРТИРАДИ

Калифорнияда «F/A-18A» самолётининг янги тури синовдан ўтказилди. Унинг бошқа самолётлардан фарқи шундаки, осмонда учиб кетаётиб, вазиятга қараб ўз тузилиши ва қанотларининг геометрик шаклларини ҳамда ҳажмларини ўзгартиради.

Мутахассисларнинг айтишларича, самолёт ҳаво оқимига қараб турли «манёврлар»-ни аъло даражада бажаради, дея хабар беради Associated Press агентлиги.

■ Владимир ПАНОВ олган сурат

БЕЛГИ ҲАҚИДА ЯНГИ ҚОНУН

Ҳаммамизга маълумки, компьютер тизимларидаги электрон почта хизматида «@» «собачка»си (белгиси) кенг қўлланилади. Эндиликда ушбу белгининг инглиз тили билан боғлиқ номини французлар ўзгартиришга қарор қилдилар ва бу ҳақда алоҳида қонун ҳам ишлаб чиқдилар.

Эски испан оғирлик ўлчови атамасидан келиб чиққан бу белгининг номланиши эндиликда Францияда «Le site web» эмас, балки «Le site» деб юритиладиган бўлди.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ТАКЛИФИ

АҚШ ва НАТО ўз қўшинларини Босниядан олиб чиқиб кетиши лозимлиги борасидаги таклифни Европа Иттифоқи Копенгагенда бўлиб ўтган саммитда ўртага ташлади. ЕИ саммитида берилган расмий баёнотда Болқон муаммоларини Европанинг ўзи ҳал эта олиши мумкинлиги тўғрисида айтилади. Агар АҚШ ўз қўшинларини олиб чиқиб кетса, бу ердаги глобал муаммоларни ечиш, жумладан, терроризмга қарши кураш борасида Европага катта имкониятлар очиб беради.

Reuters узатган ахборотда қайд этилишича, ушбу масалалар бўйича маслаҳатлашув келгуси йил февралда бўлиб ўтади.

УКРАИНА ДОНИДА — ДДТ

Франция Украинадан сотиб олган 6 минг тонна ғалла таркибида ДДТ пестициди борлигини аниқлади. Шунинг учун мазкур дондан фойдаланиш Францияда тақиқланди. «Интерфакс»да ёзишларича, бу ҳақда Франция аграр сиёсат вазирининг маслаҳатчиси Мишел Дюран хабар берган. Аммо воқеликни Франция томони ҳам, Украина ҳам кенгроқ шарҳлашдан тийилиб турибди. Лекин шуни аниқ айтиш мумкинки, энди Франция Украинадан ғалла сотиб олмайди.

ҲАРБИЙ КОНТИНГЕНТ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Кот-д'Ивуардаги ҳарбий контингентга қўшимча кучлар жўнатилиши ва у ердаги ихтилофларга қўшни давлатлар аралашмаслиги ҳақида Франция ҳукумати баёнот берди.

Франция ташқи ишлар вазирлиги берган маълумотларга қараганда, Франция Кот-д'Ивуардаги ажнабийлар эвакуацияси билан шуғулланувчи ҳарбийлар сонини оширмоқчи. Янги контингент таркиби ва сони қанча бўлиши ҳақида ҳозирча ҳеч нарса дейилмаяпти. Шу кунларда Кот-д'Ивуарда француз ҳарбийларининг сони 1500 тани ташкил этади.

Reuters агентлигининг хабарига қараганда, ҳарбийлар Кот-д'Ивуардга тез кунларда жўнатилади.

ИРОҚ МАСАЛАСИ БЎЙИЧА ИЛК ХУЛОСАЛАР

Ироқнинг ҳарбий салоҳияти тўғрисидаги декларацияни ўрганаётган АҚШнинг расмий вакиллари илк хулосаларни тақдим этди. Бу ҳақда Американинг нуфузли New York Times газетаси хабар тарқатди.

Расмий вакилларнинг баёнот беришича, оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш тўғрисидаги ахборотлар декларацияда йўқ. Шунингдек, кимёвий ва биологик қуроллар борасида ҳам шундай дейиш мумкин. Бундан ташқари декларацияда Ироқнинг Африкадан уран сотиб олганлигини ва уранни қайта ишлайдиган юқори технологияли ускуналар борлигини тасдиқлайдиган бирор-бир нарса қайд этилмаган. Умуман декларацияда қуроллариш борасидаги янги ахборотлар жуда кам, деярли барча ахборотлар Ироқнинг аввалги ҳисоботидаги қайдномалардан иборат.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

НИКОЛА ШАМФОР — ФРАНЦУЗ МУТАФАККИРИ. 1741-1794 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

(Давоми. Боши газетанинг олдинги сонида.)

- Табиат тубидаги ёвузликни англаб, ўлимга нафрат билан тўлиб-тошасан, жамият нуқсонларини тушуниб, ҳаётдан нафратланишга ўрганасан.
- Ақлли бўла туриб, кучли феъл-атворга эга бўлмаган кишининг шўри қурсин.
- Камбағал, аммо, мустақил одам фақат ўз эҳтиёжларига дастёрлик қилади; бой, аммо, тобе одам — бошқа, балким, бирданига бир нечта одамга югурдаклик қилади.
- Эркак киши уни ўта кучли севадиган аёлга совийди. Афтидан, муҳаббат туйғулари худди хайр-саховат кабидирлар: ким бунинг ҳақини тўлай олмаса, у кўрнамакка айланади.
- Бахт — осон нарса эмас: уни ўз ичингдан топишинг жуда қийин ва қандайдир бошқа бир жойдан топишнинг иложи йўқ.
- Ким фалсафа билан андак шуғулланса, у билимларга нафрат билан ёндашади, бироқ, ким унинг ичига кирса, уларни чуқур ҳурмат қилади.
- Энг чиройли аёл боридан кўпини бера олмайди, деган матал бор. Бу ҳар томонлама нотўғри: эркак кишига у ундан кутган истисносиз ҳамма нарсани беради, негаки, бундай турдаги муносабатларда олинган нарсанинг баҳосини тасаввур белгилайди.
- Баҳоси бор туйғу бир пулга арзимайди.
- Жўшқин ва нозик дўстликни, ҳатто, атиргул гулбарги билан яралаш мумкин.
- Одамлар икки қисмга бўлинадилар: биттасида — озида, тушлик бор, аммо, иштаҳа йўқ; бошқасида — кўпида, жуда яхши иштаҳа бор, аммо, тушлик йўқ.
- Ҳеч кимнинг пинжига кирмайдиган, қалб амри билан яшайдиган, ўз тартиб-қоидалари ва туйғуларига мувофиқ иш кўрадиган одамлар, — мана кимларни мен деярли учрата олмадим.
- Ҳаёт чидаб бўлмайдиган нарса бўлиб кўринмаслиги учун ўзингни иккита нарсага ўргатмоғинг керак: вақт келтириб чиқарадиган дардларга ва одамлар қиладиган адолатсизликларга.
- Бахт худди соат кабидир: мурват қанчалик оддий бўлса, шунча кам бузилади.
- Ақлимиз, баъзан, бизга ҳис-туйғуларимиздан келадигандан кам бўлмаган қайғуларни олиб келадилар.
- Ҳазил инсоннинг ва жамиятнинг ҳар қандай нуқсонларини жазолашга даъват этилган; у бизни уятли ишлардан сақлайди, бизни ҳар бир кишини ўз ўрнига қўйишимизга ва ўзимизникидан воз кечмаслигимизга ёрдам беради.
- Бегона сирни тингламоқ, бу — нарсани гаровга олишдай гап.
- Сўзамоллиги билан машҳур кишининг сукут сақлаши, ўртамиёна маҳмадонанинг сафсатасидан кўпроқ ҳурмат уйғотади.
- Кимни яхши ўрганган бўлсак, ўшаларнигина чинакамига биламиз; ўрганишга муносиб одамлар эса жуда кам. Бундан келиб чиқадики, тенги йўқ одамга, умуман, бошқалар уни билишлари учун интилишга ҳожат йўқ. У билади, уни кам кишиларгина баҳолай олишлари мумкин ва мазкур кам кишилардан ҳар бирининг, ундаги истеъдод қанчалик диққат-эътиборга лойиқ бўлса, унга шунча диққат-эътибор ажратишга халақит берадиган, ўз майллари, худбинлиги, ниятлари бор.
- Одамларни бошқариш учун калла керак: шахмат ўйнаш учун биргина раҳмдилликнинг ўзи камлик қилади.
- Уч тоифа дўстлар бўладилар: сизни севадиган дўстлар, сизга бефарқ дўстлар ва сиздан нафратланувчи дўстлар.
- Либос — аёл кишининг сўзбошиси, баъзан эса – бутун китоби ҳам.
- Аввал муҳаббат, кейин — никоҳ: аввал — аланга, кейин — тутун.
- Оқилона никоҳгина омадли, бемулоҳаза никоҳгина жозибадор. Ҳар қандай бошқаси пасткаш мўлжал асосида қурилган.
- Қатъий тартиб-қоидаларсиз одам деярли ҳамиша феъл-атвордан ҳам маҳрум: унда феъл-атвор бўлганида эди, унга тартиб-қоидалар қанчалик зарурлигини у ҳис этган бўларди.
- Ким масхарабозлик қилишни хоҳламаса, саҳналарни четлаб ўтсин: уларга чиқиб олиб, энди майнавозчилик қилмаслик мумкин эмас, акс ҳолда, халқ сизни тошбўрон қилиб ташлайди.
- Одамлар ўз ошқозонларини қандай ишдан чиқарсалар, ўз қалбларини, виждонларини, ақлларини ҳам худди шундай бузадилар.
- Тежамли одам — ҳаммадан бой, қурумсоқ — ҳаммадан қашшоқ.
- Ярамаснинг ялқов, аҳмоқнинг — индамас бўлишини қандай истамаслик мумкин!
- Жамият қандай фикрласа, уни шундай бошқарадилар. Бемаъниликларни гапириш — унинг ҳуқуқи. Бемаъниликларни қилиш — вазирларнинг ҳуқуқи.
- Истибдодчилик таърифи: нарсаларнинг юқориси пасайтирилган, қуйиси эса таҳқирланган тартиботи.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

***Рукн газетанинг 2001 йил 27 октябрдаги сонидан бошлаб берилмоқда.**

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

ОЛИМНИНГ ОЙДИН ОСМОНИ

Қадимги донишмандлардан бири «Буюклар орасида юрсанг юксаласан, кичиклар орасида юрсанг кичраясан», деган экан. Мен ҳаётини шарқ мумтоз адабиёти ва бу адабиётни яратувчи мумтоз сиймоларни ўрганишга бағишлаган йирик олим академик Ботурхон Валихўжаев ҳақларида ўйлаганимда беихтиёр бу улуғ зотнинг ўзлари ҳам аллақачонлар мумтозлар қаторидан ўрин олиб улгурганликларига имон келтираман.

Мен бу инсон билан ҳамкор, ҳамнафас, умуман, замондош бўлганлигим учун тақдиримдан миннатдорман ва ушбу сатрларни фахру ифтихор туйғулари билан битмоқдаман. Таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, ЎзР ФА академиги, Самарқанд давлат университети ўзбек адабиёти тарихи кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Ботурхон Валихўжаев ҳаётининг қарийб эллик йилини қадимий ва бой ўзбек адабиётини ўрганишга бағишлаб, адабиёт тарихининг қатор масалаларини ёритиш, унинг яхлит илмий асосларини ишлаб чиқишга муносиб ҳиссасини қўшиб келди.

Олим ўзининг илмий ва мураббийлик фаолиятини 50-йилларнинг ўрталаридан бошлади ва 60-йилларда «Ўзбекистонда адабий-танқидий қарашлар тараққиёти тарихидан (XV-XIX асрлар)» мавзуида номзодлик, кўп ўтмай «Ўзбек эпик поэзияси тараққиёти тарихидан» мавзуида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. Шундан сўнг олимнинг ўзбек адабиёти тарихи фани, хусусан, навоийшунослик илмида ҳар бири катта воқеа бўлгулик асарлари пайдо бўлаверди. «Ўзбек эпик шеърияти тарихидан» (1974), «Мирий ва унинг замондошлари» (1977), «Навоий ижоди — илдам манбаи» (1981), «Эзгулик — умр мазмуни» (1992), «Ўзбек адабиётшунослиги тарихи» (1993), «Хожа Аҳрори Вали» (1992), «Хожа Аҳрори Вали» (1993), «Хожа Аҳрор тарихи» (1994), «Рашҳаи қалам» (1993), «Хожа Аҳрори Вали» (Теҳрон, 1997), «Ўзбек адабиётшунослиги тарихи» (X-XIX асрлар) (1993), «Маликул каломи Мавлоно Лутфий» (1999), «Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳусайний шеърияти» (2000), «Алишер Навоий шеърияти» (2001), «Мирзо Улуғбек даври мадрасалари» (2001) каби китоблар заҳматкаш олимнинг ватанимиз фани тараққиётини таъминлаш ва унинг довруғи сарҳадларини янада кенгайтириш соҳасига қўшган ҳиссасидир.

Мустақил давлатимиз иқтисодий ва сиёсий соҳаларда бутун дунёга юз очаётган ҳозирги даврда Ватанимиз фани шуҳратини, ўзбекистонлик олимлар иқтидори ва илмий салоҳиятини намойиш этаётган олимлардан бири ҳам Ботурхон Валихўжаевдир.

Олим ўзининг йирик рисолалари билангина эмас, теран таҳлиллар ва хулосаларга бой мақолалар билан ҳам нозиктаъб жамоат ва кенг ўқувчилар назарига тушгандир. Бундай мақолаларнинг хорижий ойномаларда қайта чоп этилиши, Афғонистон, Туркия, Эрон, ғарб мамлакатларидан Чехия, Италия ва АҚШ нашрларида олим номининг тез-тез кўриниб туриши фикримизни исботлайди.

Ботурхон Валихўжаев илмий фаолиятида уч туркум асарлар диққатга сазовордир. Олим XX аср 50-60 йилларидан истиқлол даврига қадар ўзбек адабиёти тарихининг назарий масалалари билан шуғулланди. У йирик давлат арбоби — шоҳ бўлганлиги сабабли ижодий меросини ўрганиш ўша даврда жуда чегараланган, ўзбек халқининг миллий ифтихори, дилбар шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурга оид қатор илмий мақолалар муаллифи бўлди. Бу мақолаларда олим Бобур ижодининг жаҳоншумул аҳамияти, бадиий-эстетик қиммати, маърифий йўналишлари хусусида фикр юритади. Афғонистонда ўзбек тилида чиқадиган «Юлдуз» ҳафтаномаси ўзининг 1982-1983 йиллардаги 24 сонида Ботурхон Валихўжаевнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги мақоласини чоп этди. Мазкур ҳафтанома таҳрир ҳайъати ўз изоҳида «ушбу мақола ҳозиргача советлар Ўзбекистонидан Бобур ва унинг асарлари ҳақида ёзилган мақолаларнинг энг тозаси ва муфассалидур», — деб ёзди. Мақола «Ўзбек адабиёти тарихи» беш жилдлик китобининг учинчи жилдида (4-88-бетлар) ҳам чоп этилган эди.

Ботурхон Валихўжаевнинг иккинчи туркум асарлари ватанимиз истиқлолининг биринчи йилларидан яратила бошланди.

Ўзбек ва тожик тилларида олимнинг «Хожа Аҳрори Вали» номли рисола ва китоби, «Чакидаҳои қалам», «Хожа Аҳрор тарихи» номли асарлари ўқувчиларга тақдим этилди. Бугун биз ҳақли равишда олимнинг Хожа Аҳрори Вали ҳақида яратган туркум асарларини давримизнинг катта сиёсий аҳамиятга молик адабий воқеаси, десак арзийди.

Олимнинг учинчи туркум асарлари XX аср охири, 1998-2001 йилларга тааллуқлидир. Бу давр Ботурхон Валихўжаев XV аср Хуросони ва Мовароуннаҳрнинг маданий-маърифий жараёни, Ҳирот адабий муҳитида муҳим ўрин тутган машҳур шоирлар — Мавлоно Лутфий ва Ҳусайний ижоди, Алишер Навоий шеъриятининг махсус ўрганилмаган қирралари ҳақида сермаҳсул илмий фаолият олиб борди.

Бугунги кунда олим 16 та монография ва қўлланмалар, 500 га яқин илмий қўлланмалар муаллифидир. Унинг илмий раҳбарлигида 5 фан доктори, 10 фан номзоди ва 1 магистрлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Олим илмий ва мураббийлик фаолияти билангина чекланиб қолмай, жуда кенг доирада ташкилотчилик ва жамоатчилик ишлари билан ҳам банддир. Самарқанд шаҳри ва вилояти миқёсида маънавият ва маърифат бобидаги барча тадбирлар бевосита унинг иштироки ва маслаҳатлари асосида амалга оширилади. Самарқанд ва ундаги меъморий обидалар тарихига тааллуқли анжуманлар, изланишлар, саёҳатлар олимнинг раҳбарлиги ва кўрсатмалари асосида ташкил этилади. Олим ўзи ишлаётган дорилфунунда маданият ва маърифат, маънавиятнинг барча жабҳаларида жонкуярлик билан фаолият кўрсатади.

Устоз жуда камтарин. Баъзан у илм хирмонларидан бири ҳам ўзи, узоқ ўтмишдан йиғилиб келаётган илм хирмонларининг посбонларидан бири ҳам ўзи эканлигини сир тутмоқчи бўлади.

Муҳтарам олимнинг умри ва ижоди айни қиёмга етган, шира боғлаган кунларда Навоий таъбири билан айтганда «Хирмони илм»га яратувчилик, поклик ва эзгулик боқий бўлганидек, муҳтарам устозга музаффар ҳаёт ва умр боқийлик тилаймиз.

■ **Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
техника фанлари доктори, профессор.

✧✧✧

Суратда: академик Б.Валихўжаев шогирдлари даврасида

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

У ҚЎШИҚ КУЙЛАГАНДА...

Улкан ва бетакрор иқтидор эгаси Назирахоним ҳозир орамизда бўлганида муборак 90 ёшни чамалаб қолган бўларди...

У қўшиқ яратиш ва ижро этиш борасида Толибжон Содиқов, Мутал Бурхонов, Мухтор Ашрафий, Тўхтасин Жалилов, Манас Левиев, Дони Зокиров, Ҳамид Раҳимов, Комилжон Жабборов каби бастакорлар билан самарали ижодий ҳамкорлик қилди. Унинг ижросидаги «Раъно бўлмаса», «Обод ўлкам», «Ёр мадҳи», «Қора кўзлигим», «Қалб қўшиғи», «Ишонма», «Хаёлим сенда», «Қиз қўшиғи» каби қўшиқлар радио орқали янграганда тингловчилар қалбини тўлқинлантиради. Хонанда ижросидаги А.Навоий ғазали билан ижро этиладиган «Жоним менинг» қўшиғи айниқса, ҳузурбахшдир. Хассос санъаткор ўз қўшиқлари орқали халқлар дўстлигини ҳам авж пардаларда тарғиб этди. Озарбайжон, рус, тожик, қозоқ, украин, итальян, афғон, эрон шоирлари, бастакорлари яратган ашулаларни ҳам маромида куйлаб, довруғ таратди.

Аслида, Назира Аҳмедова 20-йиллар ўртасида Андижон шаҳридан Тошкентга келди ва бу ердаги интернатда ўқиди, бадиий ҳаваскорлик тўгарагига қатнашди, бир пардали саҳна асарларида роллар ўйнади. Кейинчалик «Трам» деб аталган ёшлар театрида актёр бўлиб ишлади. Бу театрда машҳур актёр Раҳим Пирмуҳамедов машғулотлар ўтказарди. Унинг спектаклларида Назира Карим Зокиров, Қудрат Хўжаевлар билан роллар ижро этди. 1931 йилдан иқтидорли актриса республика давлат академик драма театрида хизмат қилиб, бу саҳнада ҳам роллар ижро этиб, маҳоратини намойиш этди. Аброр Ҳидоятов, Обид Жалилов, Мария Кузнецова, Маъсума Қориева сингари саҳна усталари билан ҳамнафасликда роллар ижро этиш Назирахон учун ўзига хос бир маҳорат мактаби бўлди...

Кейинчалик Н.Аҳмедова Ўзбекистон радиосида ижодий фаолият кўрсатди. Янгидан-янги ашулаларни ижро этди, ўнинг хонишидаги ўнлаб қўшиқ, ария ва романслар магнит тасмаларга ёзиб олинди. У миллий ижрочилик санъатимиз хазинасини дурдона асарлар билан бойитди.

Н.Аҳмедова Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Раҳим Пирмуҳамедовлар билан «Асал» бадиий кинофильмида роль ўйнади. Бу фильм ўзбек студияси томонидан яратилган дебоча овозли кинофильмлардан бири эди...

1939 йилдан бошлаб Назирахоним то умрининг охиригача Ўзбек Давлат академик опера ва балет театрида қизғин ижодий фаолият кўрсатиб, мазкур театр саҳнасида қатор образларни яратди.

Яқинда хонанданинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг номи билан аталган хонанда-ижрочилар республика кўрик-танлови ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳри, вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистондан ижрочи хонандалар, бадиий ўқув юртларининг хонандалик факультетлари ҳамда бўлимларининг ўқитувчи ва талабалари иштирок этмоқда...

Назира Аҳмедова қўшиқсиз яшолмасди, умрининг сўнгги дамларида ҳам Лайлининг «Чоргоҳ» ариясини хиргойи қилиб турган чоғда жон томирию қон томири уришдан тўхтаганди... У қўшиқ ижро этганда дилларни симобдек эритарди, ҳақиқий ишқ-муҳаббатни тараннум этиб, улуғларди. Унинг айтганлари ҳаёт қўшиғи эди.

■ **Баҳриддин НАСРИДДИНОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, санъатшунос.**

ФУТБОЛ

ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ КУРАШГА ШАЙМИ?

Навбатдаги ёзги Олимпия ўйинлари 2004 йил Афина (Греция)да ўтказилади. Ушбу олимпиада дастуридан жой олган футбол баҳсида Осиёдан учта жамоа қатнашиши кўзда тутилган.

Куни кеча Куала-Лумпур шаҳрида олимпия саралаш учрашувларига қуръа ташланди. Қуръага мувофиқ, қитъамиздан бериладиган учта йўлланма учун даъвогар терма жамоалар уч босқичда баҳслар ўтказишади.

Мамлакатимиз олимпия терма жамоаси дастлабки босқичдан озод этилган. 2003 йил 5-19 апрель кунлари бўладиган Эрон — Мальдив ороллари олимпия терма жамоаларининг икки ўйин ғолиби ҳамюртларимизга қарши майдонга чиқади. Юртимиз олимпиячилари иштирокидаги иккинчи босқич учрашувлари эса келгуси йилнинг 2 май ва 7 июнь кунлари бўлиб ўтади.

КУРАШ

ТЎРА ВА РАМЗИДДИННИНГ ОЛТИНЛАРИ

8-11 декабрь кунлари Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида кураш бўйича II Осиё чемпионати бўлиб ўтди

Унда қитъамизнинг ўн бешга яқин мамлакати спортчилари қатнашдилар.

Эркаклар (тўрт) ва аёллар (уч вазн тоифасида) ўртасида ўтказилган қизғин баҳсларда юртимиз курашчилари ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Муросасиз кечган беллашувларда Тўра Ўтаев (66 кг.), Рамзиддин Саидов (73 кг.)лар олтин, Давлат Чориев (мутлақ) ҳамда Г.Каниязова(63 кг.)лар кумуш медалларга сазовор бўлдилар. Юртимиз полвонлари умумжамоа ҳисобида бош совринни қўлга киритишди.

Чемпионат якунида Осиё кураш конфедерацияси президенти Жагдиш Татлер мусобақанинг энг яхши курашчиларига махсус мукофотлар топширди. Бунга эркаклар ўртасида мутлақ вазн тоифасидаги ғолиб — эронлик Аркан Иффатий ҳамда аёллар ўртасидаги олтин медаль соҳибаси монголиялик Нурмандах (63 кг.)лар сазовор бўлдилар.

Деҳлида қитъа чемпионати билан бир вақтда Осиё кураш конфедерациясининг ижроқўм йиғилиши ва Конгресси ўтказилди. Унда курашни Осиё қитъасида янада ривожлантириш, Осиё ўйинлари дастуридан расман жой олиши учун олиб борилажак ишлар билан биргаликда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Осиё кураш конфедерацияси президенти Жагдиш Татлер ўз лавозимида яна 4 йилга қолдирилди. Бош котиб Мукеш Кумар ҳам ўз фаолиятини давом эттиради. Шунингдек, Осиё кураш конфедерацияси вице-президентлари сайланди. Осиё кураш конфедерацияси биринчи вице-президенти этиб ҳамюртимиз Ғофур Раҳимов тайинланди.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти партия Марказий тафтиш комиссияси аъзоси, Узун туман партия кенгаши биринчи котиби К.У.Шамиевага отаси

Улаш ШАМИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БИРЖА САВДОЛАРИГА ЎТКАЗИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

Сирғали тумани ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Спутник даҳаси, 6-мавзе, 8-уйда жойлашган, майдони 441,83 кв.м. бўлган собиқ 6-сонли тиш даволаш поликлиникасининг биноси. **Бошланғич баҳоси — 5 590 800 сўм ёки 8 040 АҚШ доллари.**

Сирғали тумани ҳудудий тиббий бирлашмасига қарашли Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Чоштепа кўчаси, 213-уйда жойлашган, майдони 257 кв.м. бўлган, собиқ 11-сонли оилавий поликлиника шахобчаси биноси. **Бошланғич баҳоси — 5 122 700 сўм ёки 7 367 АҚШ доллари.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарбоза кўча, Ариқний берк кўчаси, 17-уйда жойлашган 29-сонли болалар боғчаси. **Бошланғич баҳоси — 16 850 500 сўм ёки 22 466 АҚШ доллари.**

САВДОЛАР ҲАР ҲАФТАНИНГ ДУШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Ўтган ҳафтада ўтказилган биржа савдоларида жами бўлиб 5 та объект 19 750 000 сўмга сотилди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-92-30, 144-71-78.

Газетанинг навбатдаги сони 21 декабрь, шанба куни чиқади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi Ma'murjon QIYOMOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1068

10476 nusxada bosildi

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA